Ватан севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи 20 сўм.

1993 йил 18 июнь, жума

№ 111—112 (21.463).

**Ислом КАРИМОВ:**

## ЭНДИ ЭСКИЧА ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов куни кеча Қашқадарё вилоятида бўлди. У Қарши шаҳрида ўтказилган фаоллар йиғилишида сўзга чиқиб, республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш билан боғлиқ масалаларга тўхталди.

— Бугун юргизаётган сиёсатимизга одамлар қандай қараяпти? Қайси жиҳатлари маъқулу, қайси жиҳатлари номақбул? Ана шу масалада фикрингизни билишни истардим, — деди Ислом Каримов. — Эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, ҳозир ҳар бир раҳбар ўз ишига танқидий кўз билан қараши керак. Фақат гўшт, сут ёки бошқа қишлоқ хўжалик режалари қандай бажарилаётгани тўғрисида гапириладиган замонлар ўтиб кетди. Сизлардан шуни сўрамоқчиман: бугун ҳаёт олдимизга қўяётган муаммоларни,ислоҳотларни қандай тушуняпсиз, қандай амалга оширяпсиз? Мен бу ерда вилоятнинг баъзи раҳбарлари билан суҳбатлашдим, аҳвол қандай деб сўрасам, яхши дейишди. Беш-олти йил илгари қандай жавоб қилинган бўлса, ҳозир ҳам шундай жавоб бўлди.

Сўнгра Президент иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг беш тамойили тўғрисида гапирди. Ислоҳотларни мулкка муносабатни ўзгартиришдан бошлаш керак. Ҳозир бир йилда илгариги 10 йилга тенг ўзгаришлар бўляпти. Раҳбарнинг шунга мувофиқ иш услуби бўлиши керак.

Кечқурун самолётдан тушсак, аэропорт қоп-қоронғи, шаҳарнинг бош майдони бўм-бўш, бирон кимса кўринмайди. Бир вақтлар бу ерда одамлар чароғон майдонда болаларини етаклаб, сайр қилиб юришарди. Шаҳарда қанчадан-қанча кўркам бинолар бунёд этилган эди. Эндичи? Майдонларни ўт босган, шаҳардан файз кетган. Бу гапни бутун вилоят ёки туманларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Энди маънавият билан жиддий шуғулланиш, халқнинг руҳини кўтариш пайти келди.

Президент Голландия сафаридан олган таассуротлари ҳақида сўзлаб, шундай деди: у ерда қишлоқ хўжалигида аҳолининг атиги 4 фоизи ишлайди, 68 фоизи эса хизмат соҳасида банд, саноатда 8 фоизи меҳнат қилади. Мана шу 4 фоиз аҳоли бугунги кунда мамлакатнигина эмас, ярим Европани боқяпти. Бизда-чи? Аҳолининг 60—70 фоизи қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади-ю, буғдой ёки бошқа зарур маҳсулотларни четдан оламиз. Бу нимани билдиради? Биз меҳнат унумдорлигини оширишимиз, аҳолининг муайян қисмини даладан озод қилишимиз керак. Бунинг учун қишлоқда турли хизмат соҳаларини кўпайтиришимиз, янги иш ўринларини очишимиз зарур. Бизда ким кўп — катта кўп. Қачонгача уларни боқамиз? Голландияда бўлганимизда 3 киши 150 сигир, 100 бош бузоқ, 120 бош қўй, яна аллақанча чўчқа боқаётганини кўрдик. Мана шу уч киши бир йилда 500 тонна сут, 500 тонна пишлоқ етиштирар экан. Буни биздаги аҳвол билан таққослаб кўринг! Меҳнатга муносабатни ўзгартиришимиз, маҳсулдорликни оширишимиз зарур. Бунинг учун чорвани унинг ҳақиқий эгаси — фермерлар қўлига ижарага бериш керак.

Ҳадеб пахтага ёпишиб олмасдан, суғориладиган майдонларда ғалла ва бошқа дон маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришимиз лозим. Нега энди пахтани айни беда билан алмашлаб экиш жорий этилган? Пахтани буғдой, арпа билан алмашлаб эксак-чи? Ғалладан бўшаган майдонлар ҳосилдор бўлиши азалдан маълум-ку. Қишлоқ хўжалигида эски андозалардан воз кечайлик. Масалан, Шаҳрисабзда, Китобда ғалла яхши ўсади. Демак, бу туманларда пахта экишни камайтириш мумкин.

Президент, шунингдек, кадрлар сиёсати масалаларини тилга олди. У кадрлар уч тоифага бўлинишини таъкидлади. Биринчи тоифа — эски тизимни қўмсаб юрган кишилар. Иккинчиси, энг хавфлиси — имонсиз, эътиқодсиз кишилардир. Бундайларга Ватан манфаати бегона, улар шахсий ҳузур-ҳаловат, мансаб учун ҳеч нарсадан тоймайдилар. Ватан манфаати, мустақиллик манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, қалбида ўти ва эрк туйғуси бор, ғайратли, куюнчак яна бир тоифа кадрлар борки, менинг бутун умидим ва ишончим ана шулардан, деди Президент. Булар ҳозирча озчилик, тажрибаси ҳам кам. Мен Президент сифатида етишиб келаётган мана шу фидойи, қалби олов авлоднинг жойларда раҳбар бўлишини истайман. Ҳар бир раҳбар биз таклиф этаётган ислоҳотларни қалбдан ҳис этсин, уни бажаришга қодирми-йўқлигини ўйлаб кўрсин, қадамини шунга қараб қўйсин.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилояти фаоллари ҳузурида сўзлаган нутқида баён этилган фикрлар ҳар бир раҳбар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз. Энди эскича ишлаб, эскича яшаб бўлмайди. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси буни қанча тез англаб олса, мустақиллик йўлидаги қадамимиз шунча дадил бўлади.

**А. ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ПРЕЗИДЕНТ ШВЕЙЦАРИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Форум фонд» иқтисодий ташкилотининг таклифига биноан Швейцарияга жўнаб кетди.

Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда Швейцария жаҳонда тинчликни сақлаш ишига улкан ҳисса қўшаётган мамлакат эканини қайд этди. Сафардан мақсад, — деди Президент, — бизни таклиф қилган нуфузли халқаро иқтисодий ташкилотнинг 4-сессиясида қатнашишдангина иборат эмас. Айни пайтда ушбу мамлакатнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, мутахассислар тайёрлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда эришган ютуқларини ўрганиш, кенг ҳамкорликка замин ҳозирлаш ниятидамиз.

Тошкент аэропортида Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Олий Кенгаш раиси ўрнбосари Б. Бугров, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

**(ЎзА).**

ТЕЖЕН—САРАХС—МЕШҲЕД ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА

## ЖАҲОНГА ЧИҚАДИГАН ИККИНЧИ ДАРВОЗА

**● Шу кунларда қардош Туркманистон республикаси ҳудудида Тежен — Сарахс — Мешҳед халқаро темир йўли қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг ўзаро келишувига мувофиқ бошланган бу темир йўл 1995 йилда фойдаланишга топширилади.**

Жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов яқинда бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказган учрашуви чоғида ғоят муҳим бу қурилишни бизни «Туркманистон ва Эрон ҳудудлари бўйлаб Туркия ва Форс кўрфазига олиб чиқадиган иккинчи дарвоза» деб атади.

Ана шу улкан қурилишнинг 135 километри Тежен — Сарахс трассасидаги тупроқ кўтариш ишларига Хоразм давлат ва сув хўжаликлари қурилиши тресті бош пудратчилик қилмоқда.

— Бундай масъулиятли вазифанинг жамоамиз зиммасига юклатилгани биз учун катта ишончдир, — дейди трест бошқарувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор Йўлдош Норматов. — Жамоамиз бу ишга 1992 йилнинг январь ойидан киришган эди. Айни пайтда тажрибали гидромеханизаторларимизнинг қарийб 50 нафари ҳамда йигирмадан ортиқ қудратли механизм жалб этилган бу қурилишда деярли 100 миллион сўмлик ҳажмда тупроқ кўтариш ишлари амалга оширилди. Туркманистонлик қурувчилар эса биз кўтарган тупроқ трассаси бўйлаб «пўлат излар» ётқизишни бошлаб юборишди. Шу кунгача «пўлат из» ётқизилган масофа ўттиз километрдан ошиб кетди.

Яқин уч-тўрт ой ичида тағин қирқ километр масофада тупроқ ишларини бажариб, Эроннинг Мешҳед чегарасига чиқамиз.

Ҳа, охирлаб бораётган асримизнинг йирик трассаси — Тежен — Сарахс — Мешҳед халқаро темир йўли қурилишидаги энг масъулиятли иш — ётқизиладиган «пўлат из» учун тупроқ кўтаришдек шарафли юмушда хоразмлик гидромеханизаторлар матонат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бу темир йўл қурилиб ишга туширилгач, жумҳуриятимизнинг ҳам, Марказий Осиёдаги бошқа республикаларнинг ҳам Эрон, Туркия, Форс кўрфази мамлакатлари, жаҳондаги бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун кенг йўл очилади.

**Эркин МАДРАҲИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Гулистондаги «Сирдарё» савдо уйининг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо унинг ташкилотчилари қисқа вақт ичида халқаро майдонга чиқишга муваффақ бўлдилар. Кейинги пайтда бу ерда маҳаллий давлат ва хусусий корхоналардан ташқари Ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳам кўргазма залларидаги экспозициялар фонди анча кенгайди.

Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда намойиш этилаётган молларни харидорлар томоша қилибгина қолмай, айни чоғда уларни харид этиш учун буюртмалар расмийлаштириши мумкин.

Савдо уйида харидор учун ҳам, савдо ходими учун ҳам барча қулайликлар муҳайё. Таъминотчилар билан алоқалар яхши йўлга қўйилгани бу ерда исталган молларни топиб, харид қилишга ёрдам бермоқда.

СУРАТДА; безакчи-рассом Азиза Ашурова харидорларга нафис чинни буюмларни намойиш этмоқда.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

## ОММА БИЛАН ФИКРЛАШИБ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Қашқадарё вилоятида бўлганида меҳнат жамоалари вакиллари, партия етакчилари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашди.**

Қарши туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» давлат хўжалиги фаоллари билан учрашувда Президент фармонларининг бажарилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қишлоқда иқтисодий ислоҳотнинг аҳволи ҳақида фикр юритилди. Хўжалик партия ташкилоти котиби Жамила Шарипова, совхоз директори Шавкат Ойназаров, касаба уюшмаси раиси Омон Субонқулов ва бошқалар ахборотида кейинги пайтда партия ташкилоти ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, дала шийпонларида савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этаётганлиги учун ҳам омма орасида унинг нуфузи, обрў-эътибори ошиб бораётганлиги тўғрисида гап борди. Шунинг учун ҳам янги партияга ишонч ортяпти. Унинг сафига ўтганлар 137 нафар кишига етди. Бироқ, партия сафларининг сонига эмас асосан сифатига эътиборни қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамиз Президенти, партиямиз раиси Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсат туфайли мамлакатда, Қашқадарё вилоятида ҳам иқтисодиётда бирмунча ижобий силжишлар рўй бераётганлиги учрашувда алоҳида таъкидланди. Ана шу сиёсатни амалга оширишда партия ташкилотининг ўрни қандай? Истиқлол мафкурамиз яратилаяптими? Жамият мафкурасиз ривожлана оладими? Бу каби саволларга биринчи котиб батафсил жавоб қайтариб шундай деди:

— Мустақиллик мафкурасининг мақсади Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, осойишта, барқарор муҳит яратишдан иборат. Ўз навбатида осойишталик ва аҳиллик жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Сўнгра М. Расулов ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, район ҳокими Р. Жалилов ва район партия кенгашининг биринчи котиби М. Гелдиева ҳамроҳлигида уруғчиликка ихтисослашган мазкур хўжалик даласида бўлиб мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш, ҳосилдорликни ошириш йўлидаги ишлар билан танишди. Жамоа партия ташкилоти, дирекция, касаба уюшмаси ва ёшлар иттифоқи билан ҳамкор бўлиб ишлаётганлиги учун ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпайиб, аҳолининг ижтимоий аҳволи тубдан яхшиланиб бораётганлиги кўзга яққол ташланди.

Шунингдек, Марказий Кенгаш биринчи котиби вилоятда энг йирик «Қаршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўлди. Йирик панелли уйсозлик заводи, бир қатор цехларни кўздан кечирди. Бирлашмада 14 миллатга мансуб 4,5 мингга яқин киши меҳнат қилаётир. Улардан 300 га яқини ХДП аъзоларидир. Биринчи котиб аввало меҳнат жамоасига яратилган шарт-шароит билан қизиқди. Бу ерда ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши учун маданий-маиший шароит яратилган, ҳар томонлама қулайликларга эга профилакторий меҳнаткашларнинг ҳақиқий оромгоҳига, соғломлаштириш марказига айланган. М. Расулов Қарши дашти қурилишининг «нони» тайёрланаётган мазкур корхона бунёдкорлари билан самимий суҳбат чоғида ишчиларнинг ижтимоий аҳволини янада яхшилаш, айниқса, хотин-қизларга эътиборни кучайтириш, бу борада партия ташкилотининг етакчилик ўрни ҳақида сўз юритди. Бирлашма бош директори Ш. Бегматов байналмилал жамоада иқтисодий қийинчиликларни енгиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида йўл-йўлакай сўзлаб берди. М. Расуловнинг бирлашмада бўлган чоғида партия вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, Қарши шаҳар ҳокими М. Маҳмудов ва шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби М. Туробовлар унга ҳамроҳлик қилишди.

**Мусо КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ҚЎШМА ПЛЕНУМ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилояти кенгаши ва вилоят касаба уюшмалари бирлашмаларининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Пленумда бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши ва вилоят касаба уюшмалари бирлашмаларининг олиб бораётган ишлари кўриб чиқилди.

Пленумда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Ҳакимов маъруза қилди. Қўшма пленум ишида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Олимов қатнашди ва нутқ сўзлади. Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ш. ҲАЙДАРОВА,**
**ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши тарғиботчиси.**

## БИРОДАРЛИК ЁРДАМИ

БУХОРО. («Ўзбекистон овози» мухбиридан телефон орқали). Бугун эрта тонгда Бухородан қардош Тожикистон сари махсус эшелон жўнаб кетди. Вагонларга 16 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа кенг истеъмол буюмлари юкланган. Бу бухоролик меҳнаткашларнинг фуқаролар уруши кулфатларини бошидан кечирган қардош тожик халқига биродарлик ёрдамидир.

**Н. НАИМОВ.**

*● Жаҳон ишбилармонлари Тошкент учрашувининг икки йиллигига*

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Йигирманчи асрнинг бугунги паллаларида ҳеч бир мамлакат хорижий мамлакатлар билан алоқаларсиз тўкис ҳаёт кечиролмайди. Буни обдон мулоҳаза қилган Ўзбекистон раҳбарияти қўшма корхоналар барпо этиш, чет эл сармояларини мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига сафарбар қилиш, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириш йўлини танлади.

Шу нарса диққатга сазоворки, ҳозир бизда чет элларда тайёрланган маҳсулотлар, хорижий мамлакатларда эса Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган буюмлар кўпроқ кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Ўйлашимизча, бундан икки йил илгари — 1991 йил 18 июнда ишбилармонларнинг Тошкентда ўтказилган халқаро учрашувининг ҳам катта таъсири бор.

Ўшанда жаҳоннинг турли минтақаларидан Тошкентга ташриф буюрган ишбилармонлар учрашувида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мўътабар анжуманнинг мақсадлари ҳақида батафсил тўхталди. Жумладан, ҳозир Ўзбекистондаги вазиятнинг барқарорлиги, интизомнинг мустаҳкамлиги ишбилармонликни ривожлантириш, республика иқтисодиётига ажнабий капитални жалб этиш учун кафолатлар яратилади, деб таъкидланди. Жаҳондаги 50 дан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашган учрашувда сиёсий ва иқтисодий турмушдаги туб ўзгаришлар, республиканинг мустақиллиги ҳақидаги Декларация ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани Ўзбекистоннинг халқаро бозорга мустақил чиқиши учун кенг истиқболлар очиб бериши кўрсатиб ўтилди.

Бир сўз билан айтганда ишбилармонларнинг Тошкент халқаро анжумани ишчанлик, ўзаро тенг манфаатдорлик руҳида ўтди. Халқаро учрашув ишлаб турган кунлардаёқ дастлабки амалий натижалар бера бошлади. Чет элдан келган қатор фирмалар, корпорациялар вакиллари дарҳол ишга киришиб, ҳамкорликда қўшма корхоналар барпо қилиш ҳақида Ўзбекистондан шериклар топди ва ҳужжатлар имзоланди. Дастлабки иқтисодий алоқалардаёқ Ўзбекистон бозорига мўл-кўл чиқарилиши лозим бўлган кенг истеъмол буюмлари тайёрлашни кўпайтиришга эътибор қаратилди.

Мана, орадан икки йил вақт ўтди. Шу муддат мобайнида чет эл сармояларидан фойдаланишда, мустақилликни мустаҳкамлашда дадил қадамлар қўйилди. Ҳозир мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида ўнлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси енгил саноат тармоғида АҚШ фирмалари, Италия ва Канада корпорациялари, Хитой, Германия, Туркия, Исроил компаниялари, Афғонистон, Англия, Швейцария каби давлатлар савдо-саноат тармоқлари билан ҳамкорлик , жиддий натижалар берганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш, шерикликда қўшма корхоналар қуришга бўлган хорижий фирмалар интилиши кучайиб бормоқда. Бунинг сири бор, албатта.

Бу сирлардан бири шуки, Ўзбекистонда чет элни қизиқтирадиган хом ашё заҳиралари кўп. Иккинчидан, мамлакатимиз аҳолиси тинч-осойишта ҳаёт кечирмоқда. Бундай барқарорлик сармоядорларнинг бемалол ишлашига яхши шароитлар яратиб бермоқда. Шу сабабли Ўзбекистон хом ашёсидан жаҳон бозорида харидоргир моллар тайёрлаб чиқаришни кўпайтиришга бўлган иштиёқ кун сайин ортяпти.

Шу ўринда айрим амалий натижаларга нигоҳ ташлаб кўрайлик. Италия ишбилармонларини Мирзачўл пахтаси қизиқтириб қолди. Дастлабки учрашувдаёқ Сирдарё вилоятининг Оқолтин районига сафар қилинди. Қўшма корхона учун жой танланди. Бугунги кунда Оқолтин районидаги Италия-Ўзбекистон «Каррера» қўшма корхонаси гуриллаб ишлаб турибди. Диққатга сазовор жиҳати шуки, Оқолтин жинси газламаларидан тикиб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида чаққон.

Қўшма корхона жинси газламасини пахтадан тўқияпти. Яна бир гапни айтиш керак, Ўзбекистонни қудратли автомобиль давлатига айлантириш борасида дадил режалар ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз аҳолиси турмушида ва халқ хўжалигида автомобилга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўзбекистон раҳбарияти бу эҳтиёжни атрофлича, чуқур ўрганиб, шунга яраша чоралар кўрмоқда.

Шундай чоралардан бири — Жанубий Корея «ДЭУ» фирмаси билан биргаликда Андижоннинг Асака шаҳрида шерикликда автомобиль заводининг қурилаётганидир. Бу ерда тайёрланган йўловчи ташийдиган ва юк ташийдиган кичик ҳажмли автомобиллар Ўзбекистон кўчалари бўйлаб қатнайдиган фурсат ҳам яқинлашиб қолди. Бундан ташқари, Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси шу йилнинг ўзида автомобиль қисмлари келтириб, ўзбек заминида 100 та юк машинасини бутлаб чиқармоқчи. Келаси йили бундай автомобиллардан камида 500 та тайёрланади.

Хуллас, жаҳон ишбилармонларининг Тошкент халқаро учрашуви Ўзбекистон иқтисодий ҳаётига баракали таъсир кўрсатаётгани энди ҳақиқат бўлиб қолди. Яна шу ҳам ҳақиқатки, хориж Ўзбекистонни танимоқда. Ўзбекистон эса хориж тажрибасидан, сармоясидан, ишбилармонлигидан баҳра олмоқда.

**Жўра ХОЛҚОСИМОВ.**

## КИМГА ҚЎҒИРЧОҚ БЎЛЯПСИЗ?

### ЭНГ ҚУДРАТЛИ РЕСПУБЛИКА

Президент Ислом Каримовнинг Германия сафаридан қайтганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Ўзбекистон раҳбарининг Оврупо сари қилган бу ўзига хос юриши хориж, жумладан, олмон матбуотида батафсил ёритилди, муносиб баҳосини олди. Ҳатто сиёсатдонларга баҳо беришда хийла хасислиги билан машҳур «Франкфуртер альгемайне» газетаси И. Каримовни «Марказий Осиё Президентлари орасида энг кучли Президент», мамлакатимизни эса бу жумҳуриятлар орасидаги «Энг қудратли республика», деб атади.

Бу — эндигина истиқлолга эришиб, илк мустақил қадамларини қўяётган юрт аҳли фахрланса арзигулик баҳо. Бу гапни бегона, ғарб журналистининг тан бериб айтаётгани тағин-да қувончли. Ахир биз, ўзбеклар шундай кунлар келишини — орамиздан Москва нима деса «лаббай» деб турадиган эмас, дадил, ҳар ишда мустақил юртбоши чиқишини, унинг дунёдаги манаман деган сиёсатчилар билан тепа-тенг туриб гаплашишини, халқимизнинг, ватанимизнинг жаҳон айвонида ўз ўрни, ўз овози бўлишини неча юз йиллар кутмаганмидик! Энди ана шундай саодатга етказгани учун шукрлар қилишимиз, истиқлолимизни мисқоллаб йиғаётган обрў-эътиборимизни мустаҳкамлаш пайида бўлишимиз керак. Мамлакатимизда кўпчилик шундай ўйлайди, фикрлайди. Бу йўлда ҳар не синов, ҳар не қийинчилик бўлса, дош бериб ўтмоққа тиришади. Аввало, юртимизнинг тинчлиги кўнгилга хотиржамлик бағишлайди. Яна биламизки, озодлик, айниқса иқтисодий мустақиллик осонликча қўлга киритилмайди. Дунёда истиқлолга эришган жамики халқ кечирган ва кечириши табиий бўлган ширин ташвиш бу.

### ИНСОФЛИ БУЛ...

Халқимиз, юртбошимиз эришаётган бундай улуғ мартабалардан ҳамма бирдек қувонаётгани йўқ, албатта. Тунлари уйқуси қочиб, тинчи йўқолганлар, ўзлари кулиб турсалар-да, ичини ит тирнаётганлар бор. Қўшни давлат — Россиянинг «Литературная газета» деб аталмиш ҳафталигида Лерман Усмонов номли «мухбир» пайдо бўлдики, ёзганларини ўқиб, беихтиёр шундай хаёлга борасиз. Асли ўзи ўзбеклар диёрида яшаётган Л. Усмоновнинг кўнглидаги бу аламнинг боиси не? Аниқлаш қийин. Гўё оғасининг тўйидаги зиёфатдан қуруқ қолган кишига ўхшайди.

Л. Усмоновнинг «Политика в экспортном исполнении» («ЛГ» 19-сон) мақоласи ҳам, «Франкфуртер альгемайне»даги каби, бошдан-оёқ И. Каримовнинг Германияга қилган сафарига бағишланган. Фарқи — етти ёт немис журналисти Президентимизнинг олмон тупроғида қўйган ҳар бир қадамидан, айтган ҳар бир сўзидан яхшилик, мамлакатларимиз ўртасидаги келгуси ҳамкорликнинг ривожига молик умид топса, ўзбекистонлик биродаримиз тескарисини қидиради. Ватанимизни, унинг қойилмақом раҳбарини, миллатимизни имкони борича камситишга тиришади:

(Давоми бешинчи бетда).

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# «ЕР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил, № 16—18, 294-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 84-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:**

**1. 2-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ер умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин.

**2. 4, 5, 6, 7 ва 9-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«4-модда. Посёлка ва қишлоқлар ўзини ўзи бошқарув идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар посёлка ва қишлоқлар ўзини ўзи бошқарув идораларининг ихтиёрида бўлади:

шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун бериладиган ер участкалари катта-кичиклигининг меъёрларини тасдиқлаш;

посёлкалар ва қишлоқларнинг ҳудудидаги ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза этишни назорат қилиш;

ўз ихтиёрларига берилган ер захираларини тасарруф этиш;

ер участкасининг катта-кичиклигидан қатъи назар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари таркибига кирмайдиган посёлка ва қишлоқ аҳоли пунктлари доирасидаги ерларни эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага бериш, шунингдек ерларни олиб қўйиш;

ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

фуқароларга шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун, уй-жой қуриш ва унга хизмат кўрсатиш учун, шунингдек пичанзор ва мол боқиш учун бериб қўйилган ер учун ҳақ олиш;

ушбу модданинг бешинчи хатбошисида белгиланган тартибда ер бериб қўйилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш.

**5-модда. Ҳокимият шаҳар идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар ҳокимиятнинг шаҳар идоралари ихтиёрида бўлади:

шаҳар доирасидаги ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш;

ер участкасининг катта-кичиклигидан қатъи назар шаҳар доирасида эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

шаҳар доирасида фуқароларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериб қўйилган ер учун ер солиғи ва ижара ҳақи ундириш;

ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида белгилаб қўйилган тартибда ер берилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш;

ер-кадастр ҳужжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини уюштириш.

Ҳокимиятнинг шаҳар таркибига кирувчи туман идоралари ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида ҳал этадиган масалалар доирасини ҳокимиятнинг шаҳар идоралари белгилаб қўядилар.

**6-модда. Ҳокимият туман идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар ҳокимият туман идораларининг ихтиёрида бўлади:

ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш;

фуқароларга, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, деҳқон хўжаликларига эгалик қилиш, фойдаланиш учун ҳамда ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни; биринчи гуруҳга мансуб ўрмонлар билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа объектлари эгаллаб турган ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларни; сув фонди ерларини олиб қўйиш — битта ер эгасига ва битта ердан фойдаланувчига 10 гектаргача майдонда;

фуқароларга, корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга заҳира ерлардан ер участкасининг катта-кичиклигидан қатъи назар, эгалик қилиш, фойдаланиш учун ҳамда ижарага ер бериш;

ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш сабаблари белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейин ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиб қўйиш, посёлка ва қишлоқ ўзини ўзи бошқарув идоралари, ҳокимиятнинг туман бўйсунувидаги шаҳар идораларининг ваколат доирасига кирувчи ҳоллар бундан мустасно;

ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

жамоа хўжаликлари тузилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда уларнинг ерга эгалик қилиши масалаларини ҳал этиш;

ер-кадастр ҳужжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини ташкил этиш;

фуқароларга жамоат боғдорчилиги ва узумчилиги учун, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериб қўйилган ер учун ер солиғи ва ижара ҳақи ундириш.

Ҳокимиятнинг туман бўйсунувидаги шаҳар идоралари ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида ҳал этадиган масалалар доирасини ҳокимиятнинг туман идоралари белгилаб қўядилар.

**7-модда. Ҳокимият вилоят идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоят ҳокимият идораларининг ихтиёрида бўлади:

ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун, давлат ва жамоатнинг бошқа эҳтиёжлари учун ушбу модданинг тўртинчи хатбошисида айтилган шартларга риоя қилган ҳолда эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйиладиган рўйхатга мувофиқ олиб қўйиладиган ерлар, шу жумладан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳамда тарихий-маданий объектлар ва ҳудудлар эгаллаб турган ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, биринчи гуруҳга мансуб ўрмонларнинг ерларидан ташқари барча ерларни катта-кичиклигидан қатъи назар олиб қўйиш;

ер-кадастр ҳужжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини ташкил этиш».

**«9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрида бўлади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ерларни посёлка ва қишлоқ ўзини ўзи бошқарув идоралари билан, ҳокимиятнинг туман, шаҳар ва вилоят идоралари билан, шунингдек ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда тасарруф этиш;

ерлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, табиатни қўриқлаш соҳасидаги бошқа тадбирлар билан комплекс тарзда ер ресурсларини муҳофаза қилиш юзасидан ҳокимият маҳаллий идоралари билан биргаликда республика дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни бажариш;

ер тузишни ҳамда Давлат ер кадастрини юритишни ташкил этиш».

**3. 10-модда:**

биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ер қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда доимий эгалик қилиш учун, қонунларда кўзда тутилган ҳолларда эса бошқа мақсадлар учун ҳам берилади.

Доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун ер:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

саноат, транспорт, ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга;

мудофа эҳтиёжлари учун; диний ташкилотларга;

чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ҳамда ташкилотларга берилади»;

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Деҳқон хўжалиги юритиш учун айрим шахсларга ер участкалари мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш учун ва фойдаланиш учун берилади»;

учинчи — тўққизинчи қисмлари тегишли равишда тўртинчи — ўнинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

**4. 11-модданинг** биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ерни шартнома асосида ижарага муайян муддатга, қишлоқ хўжалик мақсадлари учун эса камида 10 йилга қуйидаги идоралар берадилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — қишлоқ ва посёлка ўзини ўзи бошқарув идоралари, ҳокимиятнинг туман ва шаҳар идоралари;

ушбу маъмурий тумандаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга — ҳокимиятнинг туман идоралари, бошқа туманлардан келган худди шу хилдаги ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларга эса ҳокимиятнинг вилоят ва шаҳар идоралари;

республика ҳамда чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ва ташкилотларга, шунингдек хорижий давлатларга, халқаро ташкилотларга, чет эл юридик шахслари ва фуқароларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси беради».

**5. 12-модда:**

сарлавҳаси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ер участкалари бериш»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ҳокимият ва ўзини ўзи бошқарув маҳаллий идоралари томонидан қонунларда белгилаб қўйиладиган тартибда амалга оширилади».

**6. 13-модда:**

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тегишли ўзини ўзи бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият маҳаллий идоралари ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори билан қуйидаги ҳолларда барча ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатиб қўйилади»;

3-бандидаги «ташкилотнинг» деган сўз «ташкилот, деҳқон хўжалигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7, 14-модда:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Муайян вилоят учун кадастр баҳосига мувофиқ белгиланадиган алоҳида қимматли маҳсулдор суғориладиган ерларнинг, шунингдек алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ва тарихий-маданий объектлар ва ҳудудлар эгаллаб турган ерларнинг қишлоқ хўжалигига таааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилишига алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан йўл қўйилади».

**8. 16-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш учун ҳақ тўланади. Ер учун ҳақ ҳар йили ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминлаш даражасига қараб белгиланади. Ўзини ўзи бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият идоралари ерни ижарага берган ҳолларда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади ва у ер солиғи ставкасидан кам бўлмаслиги керак»;

иккинчи ва учинчи қисми чиқариб ташлансин;

1-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, дендрология боғлари, ботаника боғлари, буюртма қўриқхоналар, тарих ва маданият ёдгорликлари»;

қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдирилсин:

«3. Деҳқон хўжаликлари рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб дастлабки икки йил мобайнида»;

3—7-бандлари тегишли равишда 4—8-бандлар деб ҳисоблансин.

**9. 17-модда:**

7 ва 8-бандлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин

«7. Ер участкасини ёки унинг бир қисмини ички хўжалик ижараси тартибида вақтинча фойдаланиш учун бериш.

8. Қишлоқ хўжалик экинларини, дарахт ва буталарни суғориш учун ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан ва каналлардан белгиланган лимитларга мувофиқ сув олиш ҳуқуқига эгадирлар».

**10. 18-модда:**

6 ва 7-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Ер участкасини ёки унинг бир қисмини ҳокимият маҳаллий идораларининг қарорига биноан вақтинча фойдаланиш учун бериш.

7. Қишлоқ хўжалик экинларини, дарахт ва буталарни суғориш учун ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан ва каналлардан белгиланган лимитларга мувофиқ сув олиш»;

саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Зарарни қоплаш тўғрисидаги низоларни, агар томонларнинг бири фуқаро бўлса, суд кўриб чиқади, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасидаги низоларни эса хўжалик судлари кўриб чиқади».

**11. 19-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган ер участкалари уларнинг хоҳишига кўра ҳокимиятнинг туман ёки шаҳар идоралари томонидан аввалги ерига тенг қийматли ер участкалари ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар янги жойда олиб қўйилаётганининг ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Қонуннинг 50-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарларни тўла ҳажмда тўлаганидан кейин давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиниши мумкин».

**12. 20-модда:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«деҳқон хўжалиги юритиш учун»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Уй-жойга, чорбоққа нисбатан эгалик ҳуқуқи фуқарога ўтган (сотиб олинган, хусусийлаштирилган, ҳадя қилинган ёхуд меросга қолган) тақдирда ана шу иморатларга бўлган эгалик ҳуқуқи билан бирга ушбу иморатлар жойлашган барча ер участкасига эгалик ҳуқуқи ҳам унга ўтади».

**13. 21-модда:**

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун бериладиган ер участкаларининг аниқ майдони ер ресурсларининг мавжудлигига қараб ва фуқароларнинг оилалари ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда, жамоа хўжалигида, бошқа жамоа корхоналарида — уларнинг юқори бошқарув идоралари томонидан, давлат хўжалигида, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида — уларнинг маъмурияти томонидан, уларнинг уставларида назарда тутилган ҳолларда эса ана шу корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кенгашлари томонидан белгиланади, мазкур кенгашларнинг қарорлари қишлоқ ва посёлка ўзини ўзи бошқарув идоралари томонидан тасдиқланади».

**14. 23-модданинг** иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари 21-модданинг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари деб ҳисоблансин.

**15. 23-модда** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23-модда. Деҳқон хўжаликларига ер бериш

Деҳқон хўжалиги юритиш учун айрим шахсларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш учун, фойдаланиш учун ёки ижарага камида ўн йил муддатга ер участкаси берилади.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкасининг ҳажми маҳаллий шароитларни, шунингдек, деҳқон хўжалигининг миқдорий таркибини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ҳол учун ҳокимиятнинг туман идоралари томонидан белгиланади.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун шахсларга ер бериш тартиби қонунларда белгилаб қўйилади».

**16. 25-модда:**

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Суғориладиган ерлар алоҳида муҳофаза қилиниши лозим, уларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказилиши тупроқ-мелиоратив шароитларни ва ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни эътиборга олиб ҳокимиятнинг вилоят идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб амалга оширилади».

**17. 26-модда:**

3-банди «суғориладиган ерларни» деган сўзлардан олдин «мелиоратив жиҳатдан нобоп» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7-банди «ушбу Қонуннинг 53-моддасига» деган сўзлардан кейин «ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**18. 28-модда** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«28-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига бериш тартиби ва шартлари**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳокимиятнинг тегишли вилоят идораларининг қарорига мувофиқ ер ажратиш лойиҳаларига асосан ерлари олиб қўйилаётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан, шунингдек уларнинг юқори идоралари билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, диний ва бошқа ташкилотларга бериб қўйилади.

Янги тузилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерга доимий эгалигини расмийлаштириш ҳамда тугатилаётган ва қайта тузилаётган (бўлиб ёки қўшиб юборилаётган)ларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқларини тўхтатиш, уларни тузиш, тугатиш ёки қайта тузиш тўғрисида ваколатли идоралар томонидан қарорлар қабул қилинганидан кейин ҳокимиятнинг тегишли вилоят идораларининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни доимий эгалик қилиш учун бериб қўйиш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ерлари қуроқ бўлишига, ўзга ерларга суқилиб кириб қолишига, ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари эгалигидаги қуроқ ерларни, ўзга ерларга суқилиб кириб қолган ерларни ва бошқа камчиликларни тугатиш уларнинг давлат ер тузиш лойиҳа ташкилотлари билан ўзаро келишувига биноан хўжаликлараро ер тузилиши тартибида ўтказилади».

**19. 29-модда** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«29-модда. Хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга ер бериш**

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги колхозлараро, давлат-кооператив корхоналари ва ташкилотларига (колхозлараро бўрдоқичилик хўжаликларига, паррандачилик фермалари ва шу кабиларга) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар жамоа корхонасининг юқори бошқарув идораси, корхона ва ташкилот маъмуриятининг қарорига биноан, уларнинг уставларида назарда тутилган ҳолларда эса ана шу корхоналар ва ташкилотларнинг кенгашлари томонидан, ушбу Қонуннинг 28-моддасида белгиланган тартибда берилади».

**20. 30-модда** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«30-модда. Кооперативларга ер бериш**

Ҳокимиятнинг тегишли вилоят идоралари қарорига биноан жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг (илмий-тадқиқот, ўқув ташкилотлари, ёрдамчи қишлоқ хўжаликларидан ташқари) бўлинмалари негизида тузиладиган ҳамда улардан чиқадиган кооперативларга хўжалик юритишнинг тенг шароитлари яратилиши зарурлигини эътиборга олган ҳолда ўзлари илгари ишлаб келган ерлардан ер участкалари берилади. Бу ер участкалари мазкур корхоналарнинг ерлари таркибидан олиб қўйилиши лозим. Ер участкаларини бериш тартиби ва шартлари қонунлар билан белгиланади».

**21. 33-модда:**

учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Шаҳар доираси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, посёлка доираси эса ҳокимият вилоят идоралари томонидан белгиланади ва ўзгартирилади.

Шаҳар доирасидаги ҳамма ерлар ҳокимият шаҳар идоралари, посёлка доирасидаги ерлар эса посёлка ўзини ўзи бошқарув органлари ихтиёридадир».

**22. 34-модда** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«34-модда. Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкаларини бериш ва олиб қўйиш тартиби**

Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкалари ҳокимият шаҳар идоралари ҳамда посёлка ўзини ўзи бошқарув идоралари қарорларига асосан берилади. Бу қарорларда режалаштириш ва қурилиш олиб боришнинг тасдиқланган лойиҳаларига мувофиқ ерларни эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага бериш шартлари белгиланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳокимият шаҳар идоралари ҳамда посёлка ўзини ўзи бошқарув идораларининг қарорига мувофиқ ўзларига бириктириб қўйилган ерлардан вақтинча фойдаланиш учун бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер участкалари беришлари мумкин.

Шаҳарларда ва посёлкаларда ер участкалари ҳокимият шаҳар идоралари ҳамда посёлка ўзини ўзи бошқарув идораларининг қарори асосида олиб қўйилади.

Шаҳарларда, посёлкаларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланаётган ерлари ва бошқа ерларининг олиб қўйилиши ушбу Қонуннинг 14-моддасида белгиланган тартибда тегишли посёлка ўзини ўзи бошқарув идораларининг, ҳокимиятнинг туман, шаҳар ва вилоят идораларининг қарорлари билан тасдиқланади.

Фуқаролар эгалигидаги, мевали дарахтлар ва буталар билан банд бўлган ер участкаларини олиб қўйиш ёки фуқароларга қарашли шахсий мулк ҳуқуқидаги уй-жойларни бузиш билан боғлиқ ҳолда ер участкаларини олиб қўйиш уларга бошқа обод турар-жой биноси берилганидан ёки уларнинг хоҳишига кўра тенг қийматли ер участкаси берилган ва янги уй қуриб ёки эски уй кўчириб берилганидан сўнг, шунингдек кўрилган зарар қиймати тўла ҳажмда қопланганидан кейин ҳокимият шаҳар ва вилоят идораларининг қарори асосида амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерлар ер эгалари ҳамда ердан фойдаланувчилар қилган харажатлар тўланмай ва кўрган зарар қиймати қопланмасдан суд тартибида олиб қўйилади».

**23. 36-модда:**

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Умум фойдаланишдаги ерлардан ҳокимиятнинг шаҳар идоралари ёки посёлкаларнинг ўзини ўзи бошқарув идоралари қарорига мувофиқ енгил иморат ва иншоотлар (савдо расталари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуришда вақтинча фойдаланиш учун ижара шартларида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга ер участкалари берилиши мумкин».

**24. 41-модданинг** тўртинчи қисмидан «денгиз» деган сўз чиқариб ташлансин.

**25. 42-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Саноат, транспорт, алоқа ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўзлари фойдаланмаётган ерларни ҳокимият туманлар ва шаҳар идоралари қарорига мувофиқ қонунларда белгилаб қўйилган тартибда ва шартларда қишлоқ хўжалик мақсадлари учун фуқаролар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга вақтинча фойдаланишга берадилар».

**26. 43-модда:**

биринчи ва учинчи қисмидаги «қўриқхоналар» деган сўз «давлат қўриқхоналари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**27. 48-модданинг** биринчи қисмидаги «ички», «ҳудудидаги сувлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**28. 49-модданинг** биринчи қисми «корхоналар» деган сўздан олдин «фуқаролар» деган сўз билан тўлдирилсин.

**29. 50-модда:**

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат қўриқхоналари, буюртма қўриқхоналар, миллий табиат боғлари, табиат ёдгорликлари, сув ҳавзалари сув таъминоти манбалари, курортлар теварагида, дарёлар, каналлар,сув ташламалари, йўллар, қувурлар, электр таъминоти ва алоқа линиялари ёқасида муҳофаза, санитария ва иҳота теграралари белгиланиши муносабати билан ҳуқуқлари чекланишидан;»

**30. 51-модданинг** иккинчи қисмидаги учинчи хатбошида «мактаб ва даволаш муассасалари» деган сўзлар «мактабгача тарбия ва даволаш муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**31. 56-модданинг** иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш — устидан давлат назоратини ҳокимият ва ўзини ўзи бошқарув маҳаллий идоралари, шунингдек бу ишга махсус вакил қилинган идоралар амалга оширадилар».

**32. 61-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари жамоа хўжаликларида — хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилиши томонидан, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида — маъмурият томонидан, уларнинг уставларида назарда тутилган ҳолларда эса ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг кенгашлари томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади, шунингдек манфаатдор ташкилотлар билан келишилади».

**33. 62-модда** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«62-модда. Ер хусусидаги низоларни ҳал этувчи идоралар**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар ўртасидаги ер хусусидаги низолар ҳокимият идоралари томонидан ушбу Қонунда белгиланган ваколатларга мувофиқ, суд ёки хўжалик судлари томонидан қонунларда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ерга оид муносабатлар билан боғлиқ бўлган мулкий низолар суд ёки хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ ҳал қилинади.

Қишлоқлар ёки посёлкалар ҳудудида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалаларида фуқаролар ўртасида чиққан низолар тегишли ўзини ўзи бошқарув идоралари томонидан ҳал қилинади.

Шаҳар ҳудудида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалаларида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан фуқаролар ўртасида чиққан низолар, шунингдек фуқаролараро низолар ҳокимиятнинг шаҳар идоралари томонидан ҳал қилинади.

Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалаларида маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида, шунингдек мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан фуқаролар ўртасида чиққан низолар ҳокимиятнинг туман идоралари томонидан ҳал қилинади.

Томонларнинг бири республикага бўйсунувчи корхона, муассаса ва ташкилот бўлган ҳоллардаги низолар ҳамда бир вилоятнинг турли туманларига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида чиққан низолар ҳокимиятнинг вилоят идоралари томонидан ҳал қилинади.

Турли вилоятларга ёки вилоятлардан бири ва Қорақалпоғистон Республикасига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида ер тўғрисида чиққан низоларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига киради.

Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг бошқа давлат ҳудудидаги ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш масалаларига оид низолар, шунингдек бошқа давлатлар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ерга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш масалаларига оид низолар Ўзбекистон Республикаси ва манфаатдор давлат вакилларидан тенглик асосида тузиладиган комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида умумий ер участкасидан фойдаланиш тартиби хусусида якка тартибда қурилган иморатларга бирга эгалик қилувчилар ўртасида чиққан низолар судлар томонидан кўриб чиқилади.

Умумий ер участкасидан фойдаланиш тартиби фуқароларга тегишли иморатларнинг қисмларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади».

**34. 63-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳокимият маҳаллий идораларининг ер хусусидаги низо юзасидан чиқарган қарорига томонларнинг бири норози бўлган тақдирда томонлардан бири фуқаро бўлганида судга, ер хусусидаги низо корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида чиққанида эса — Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судларига шикоят қилиши мумкин».

**35. 14, 15, 16, 18, 36, 37, 39, 40, 47, 49, 51, 52, 58, 60, 61, 64-моддалардаги** «халқ депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари», «халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари», «халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари», «халқ депутатлари шаҳар Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари», «халқ депутатлари район Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари», «халқ депутатлари область Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари» деган атамалар «ўзини ўзи бошқарув идоралари ва ҳокимият идоралари», «ўзини ўзи бошқарув идоралари ва ҳокимият маҳаллий идоралари», «қишлоқ (посёлка) ўзини ўзи бошқарув идоралари», «ҳокимиятнинг шаҳар идоралари», «ҳокимиятнинг туман идоралари», «ҳокимиятнинг вилоят идоралари» деган атамалар билан алмаштирилсин.

**36. 49, 60-моддалардаги** «овул», «овуллар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

37. Қонуннинг рус тилидаги матни **55, 60-моддаларида** қўлланган «крестьянское», «крестьянских» деган сўзлар «дехканское», «дехканских» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**38. 10, 11, 14, 22, 24, 27, 37. 40, 60-моддалардаги** «колхозлар, совхозлар ва бошқа» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**39. 11, 21, 24, 35, 37, 56-моддалардаги** «давлат, кооператив ва жамоат» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**40. 3, 22, 31, 33, 36, 37, 39, 60-моддалардаги** «шаҳар посёлкаларининг», «шаҳар посёлкаларида» деган сўзлар «посёлкаларнинг», «посёлкаларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**41. 57, 58-моддалардаги** «Президенти ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**42. 50-моддадаги** «давлат ҳакамлиги идоралари» деган сўзлар «хўжалик судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

Табани

POLO

KING SIZE

FILTER




Қуйидаги манзилга мурожаат этиб, бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш мумкин:

Тошкент шаҳри,
Катта Миробод кўчаси,
158-уй (Ивлев, 67).

"Табани групп оф компаниз"

Telephon. 32-35-53,
54-06-70, 54-07-98,
55-35-49.

Ўзбекистон Республикасидаги савдо агентларимиз:
"Мунис" ЛТД,
"ХЕСО" ЛТД,
шунингдек
"ФРИЯ" фирмалари.

Fax. 54-08-30.
Telex. 116416 TABANI SU

Муҳаммад АББОСХОН
"Табани корпорейшн" нинг
Ўрта Осиёдаги ваколатхонаси
Бош бошқарувчиси.

Чекиш соғлигингиз учун зарарлидир!



МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари.

Нашр учун масъул
Т. ЭШБЕКОВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Бизнинг манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-57-19, 32-54-12, 32-54-14.

Индекс 75487.


Ўзбекистон Республикасида «Эл Кармель» чет эл ширкати ўз фаолиятини бошлаганлигини

ХАБАР ҚИЛАДИ

Телефон: 56-52-47,
Факс: 56-52-16.

## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

**Отахон газетамизнинг ўзига хос нуфузли, файзли, қайноқ муҳити, фозилу фузалолари, сўз заргарлари, мумтоз кишилари, салафлари бўлган. Матбуот салтанатининг, шу соҳа илми толибларининг ўзига хос дорилфунуни ўзанини кенг бир дарёга ўхшатгим келади.**

# БИЗ СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

## УСТОЗИМИЗ ХОЛБЕК ОТА ЁДГОРОВНИ ХОТИРЛАБ



Ўшал дарёлар, устозларимиз жам бўлган, улар сабоқлар берган «маҳорат мактаби», «литучка» деб аталувчи ҳафталик йиғилишлар, «давра столи» атрофидаги мулоқотларни кўп эслайман. Уларда ҳамиша одамийлик, олийжаноблик, меҳру оқибат, инсоний бурч, изланиш хусусида гап борарди.

Ҳабиб ота, Холбек ота, Йўлдош ота каби биз учун аллома ва фозиллар жам бўлган давраларни мен ўзига хос теран бир олам, илму одоб таълимини ўргатувчи улуғ дарсхона деб эъзозлайман.

Ўзани кенг ул дарёларнинг бири — бағрида ёруғ бир оламни, ифорларга тўла баҳорни асраган, йиқилганга суянч тоғ бўлган, ўксинганга умидли дунё бўлган Холбек ота Ёдгоров эдилар. Унинг ҳар бир сўзи жонимизга малҳам, ўгитлари донишмандлик китобидек теран эди.

**Тупроқ тўшагида ётган кўп кўрдим,**
**Ер қора бағрига ботган кўп кўрдим,**
**Йўқлик оламига кўз ташлаганда,**
**Келмаган кўп кўрдим, кетган кўп кўрдим.**

Холбек ота... У — боғи, чамани ҳамиша гуллаб турувчи бир баҳор эди. Сахийлиги, ўктамлиги элга манзур ёлқинли бир бағир эди. Болалардай қувноқ, шўх, беғубор бу одамни унутмоқ маҳол, ёд этмаслик гуноҳдир.

Идорамизнинг таянч тоғи, маслаҳатгўйи эдилар. Хоҳ маҳоратли, хоҳ бўқоликудрат қалам тебратиб, хоҳ тетапоя бўлиб юрган норасида газетчиларнинг — барча-барчанинг падари бузруквори эди у. Нега шундай деганимнинг боиси бор. Унинг ўз дарди-ҳасрати, изтироби, муаммолари ҳам бўлгандир. Ҳа, бўлган... Лекин ҳеч қачон сездирмас эдилар. Доимо ўз дардини, малолини ютиб, ўзгаларнинг дардини тинглarди. Чора излардилар. Малҳам топардилар. Сўнг тинчиб, кўнгли ором топарди-да, шахмат суришга ўтирардилар. У киши шахмат ўйинига ўтирганларида ёш йигитчага, йўқ-йўқ, бамисоли гўдакка айланиб қолардилар. Тахта устидаги шоху фарзинларни суриб гоҳ қичқирар, гоҳ чапак чалар, беихтиёр қўшиқ хиргойи қилардилар.

Устознинг ўлими, сўнгги нафаси ҳам шахмат ўйини чоғида юз берганини эслаш нақадар оғир...

Ота шахмат ўйинига бениҳоя берилиб кетар, шу қадар ҳаяжон билан ўйнардики, ўйин чоғи у дунёни, унинг бутун коҳишларини унутарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Кечагина шифохонадан чиққан, ҳали бутунлай ўзига келмаган бу одамга эҳтиросга берилиш мутлақо мумкин эмас эди.

Йўқ, у хаста юракни ҳам ҳаяжон, туғён ғайратларнинг пойига ташлади. Хасталикни тан олгиси, унга таслим бўлгиси келмади. Лекин... хасталик.. айниқса, толиққан юракнинг ўз қонуниятлари бўларкан.

Ота бирдан юрагини ушлаб... шахмат ўйини ичра беозоргина, шахмат тахтаси узра бош қўйдилар. Бу ҳолат жуда тез, оний фурсат ичра рўй берди. Ҳамкасблар не бўлганини дарров пайқаб олмай довдираб қолдилар.

Ўша кун... Рўзноманинг самимий гурунглар, ҳазиллар, кулгулар, дилшодликларга тўла хоналари, гавжум йўлаклари бирдан ғариб бўлиб қолдилар. Фойелар боши эгилган, маҳзун одамларга тўлди. Адл устунлар, мармар зиналар, ҳамиша ёруғ-мунаввар тургувчи корректура хоналари аллақандай мунгли бўлиб қолди. Ўша кун... газета саҳифалари, сатрлар адашди. Ўша кун.. рўзнома бирнеча соатга, йўқ-йўқ, бир неча кунга, балки бир асрга кечикди. Ўша кун... Қуёш ғамдан қора чодирлар остига беркинди. Ўша оқшом... тўлин ой оразини яширди, кўк тоқидаги мил-мил юлдузлар хира тортдилар, наздимда. Ўша кун... Холбек отани энг сўнгги йўл кутарди, унинг кенгбар хонадонга тумонат одам йиғилди...

Увишган, эзилган юрагимдан нидолар келарди. Дарахтнинг шохларида янги япроқлар ўсмайди, пайдо бўлмайди, куртак ёзмайди. Токи шамоллар мусибатли ўлимлар аввалги япроқларни юлқилаб тўкмагунча. Лекин одамзот дунёйи зорнинг бундайин темир қоидаларига бўйсунмайди.

**Ўзини денгизга бағишлаб, дарё,**
**Жилғалар ўлади.**
**Узоқ-узоқ янграб замонлар аро.**
**Қўшиқлар сўнади.**
**Ёруғ ёниб,**
**Шон-шуҳратга қониб,**
**Юлдузлар ўчади,**
**Йўқлик дунёсига кўчади.**

Лекин одамзот қарилик билан, дард билан курашади. Япроқдайин титраб турган юраги билан ҳам тоғларни талқон қилгиси келади. Севгиси, севилгиси, мафтун айлагиси келади. Нурсизланган кўзлари учун кўз ойнакни, дол бўлаётган қадди учун асони ўйлаб топади. Оппоқ қиров қўнган сочларини чўққилар устидаги қорларга, ўзларини эса қояларга муқояса айлайдилар. Кексаликка, дардга таслим бўлишни, тақдири азалга қулликни зинҳор хаёлга келтирмайдилар. Лекин, дунёйи зор ишига заргар...

Мотамсаро хонадонда ўтирибман... Юрагим ғашли, қароғларим ёшли. Холбек отанинг ўгитларини эслайман, юрагимга таскинлар излайман. Ота бир куни эрталабдан чақириб қолдилар. Одатда у киши беҳудага чақирмас, устознинг ҳузурига қалам-қоғозсиз кириш эса жангга қуролсиз киргандек ҳижолатли бўларди. Қалам-қоғозни қўлимга олдиму шошиб остонада пайдо бўлдим. У киши дераза ёнида турардилар.

Нигоҳлари хув, Оқтош тарафдаги тоғларда эди.

— Анову тоғ чўққиларидаги қорларни тамошо қилинг, — дедилар. Қарадим. — Нимани англадингиз, — дедилар.

— Чўққиларда қор... Бу — донишманд мўйсафид оталарнинг бошидаги оппоқ қировларга ҳам ўхшайди...

— Яхши — дедилар ота. — Товоқсой деган қишлоқ бор. Ғазалкент тарафда. Товоқсойда қариялар уйи бор. Ҳукуматимиз уларни ўз ҳимоясига олган. Ҳозироқ жўнанг, уларнинг ҳаёти билан танишинг.

Ота қаерда юракни ларзага келтирувчи мавзу бўлса, шуни дарров дафтарга белгилаб, йўқ-йўқ, муҳрлаб олардилар. Бу мавзуни маромига етказишни, илдиз-илдизларигача очиб бериш санъатини талаб қилардилар. У киши буюрган ишни бажариш учун сиз танангиздаги жонни, томирларингиздаги қонни, оромларингизни нисор айлашингиз керак бўларди. Сарлавҳасидан тортиб, то сўнгги нуқтасигача, зеру забарларигача синчиклаб ўқирдилар. Таҳрир қаламини юргизар эдилар.

Товоқсойга йўл олдим. Қариялар уйини топдим. Дунёга нима учун келади-ю, нима учун яшайди ўзи одам? Бу ерда қариялар учун ҳамма нарса муҳайё этилган. Боли-шарбатларгача бор. Ётоқлар озода, ейиш-ичиш етарли. Лекин бу ёруғ гўшаларда ёнаётган машъаллар кўнгил кулбасига жинчироқчалик нур беролмайди-да! Ёлғизлик, хўрлик кемирди дилни.

Юрагимда зил-замин тошлар билан, кўзларимда талхи ёшлар билан Тошкентга қайтдим. Ёлғизлик, ғариблик оли забунлик пичоғи тилкалаган ўшал кемтик юракларнинг мунги эзарди мени. Мустар, меҳрга зор кўзларнинг нигоҳи, усрук мўлтираши эзарди. Эзилиб, эзилиб, судралиб-судралиб қайтдим. Беш кунгача ёзув столимга ўтиролмадим. Ниҳоят, «Чўққиларда қор» сарлавҳали мақоламни юз минг андиша ила Холбек отага келтирдим. Унинг кўзларига термуламан, у қаро кўзларда нам кўраман. Ҳозир шу мусибатли хонадонда ўтириб, отани сўнгги йўлга кузатиб, йиғлаб ўтириб, ана шу кўз ёшларни эсладим. Отанинг бир-биридан меҳрибон фарзандларига боқиб, устознинг меҳнатлари зое эмаслигига инондим.

Сенсиз менга қийиндир, сен-ла эса бисёр қийиндир... деганида ҳазрат Навоий неларни хаёлига келтирган экан.

Ошга гуруч ҳозирлаганимизда, уни, албатта, дастурхонга тўкиб, бирма-бир нигоҳдан ўтказамиз. Хаслардан, курмаклардан, тошлардан халос этамиз.

Жамоамизга тасодифан келиб қолган курмаклар учраб қоларди баъзида. Ота уларни тез-тез йўқлаб панду насиҳатлар қилар, гоҳо ножўя ишларини юзига айтиб, дашном берар, тарбият қилишни ихтиёр айлардилар. Ахир бу улуғ даргоҳ, тарбия ўчоғидир.

Иттифоқо курмакларнинг бири ота устидан ёзди. Катта дафтарни тўлдириб юқорига йўллади. Балки отанинг юрак хасталиги ана шу туҳматномадан сўнг бошлангандир. Ҳа, эҳтимолдан холи эмас бу! Негаки, ана шу ёзувдан сўнг ота хасталаниб касалхонага тушди. қайтиб ўзига келолмади.

Туҳмат балоси сўнгги йўлга. олиб чиқди уни. Ота устидан ёзилган номани муҳокама қилиш насиб этмади. Устознинг вафотидан сўнг муҳаррир уни «курмак»нинг юзига улоқтирди ва деди:

— Олинг, матоҳингизни, ўлган одамни муҳокама қилиб бўлмайди!

Сал ўтмай, муҳаррирнинг устидан думалоқ хат ёзилди. Айтмоқчи бўлган дардим бор. Ғаламислар не-не тоза юракларни жароҳатлади. Биз, лоқайдлар эса уларга берилиши зарур бўлган жазоларни талаб этмадик. Нега? Адолатнинг ўткир шамшири бир кун ўзи уларни чавақлайди, дебми?

Ха, она замин айланади, айланади. Мурувватни, лутфни, адолатни излаб айланади. Ҳамдардликни излаб, алқаб айланади. Йўқсилларнинг ғамини еб дунё кезади. Чексиз далалар, олис ўтлоқлардаги қўйқўзиларга, ҳатто қурт-қумурсқаларга ризқу рўз мўл бўлсин, деб айланади. Ирмоқлар қўшиқ куйласин, деб айланади. Ҳавасларни, кулгуларни одамларга улашади. Лекин... ёмонликни, лойни икки четга улоқтирганда, улоқтириб ўтади. Ғаддор кимсаларнинг жазоси вақт қиличидир.

**Эй- ғаддор одамзот,**
**туртмагил мени,**
**Кўз ёшларим шеърларимда**
**қолади.**
**Эй сахий одамзот,**
**қутлайман сени,**
**Офтоблигинг шеърларимда ёнади.**

Устоз ғаддорликни қаттиқ қоралардилар. Беюзликка шафқатсиз эдилар. Унинг юрагида меҳр мўл эди, наҳр ҳам. У даврнинг, замоннинг чинакам фидойи аскари эди. Давр тақозоси билан яшар, ўзи хизмат қилаётган салтанатининг шаънини жонини қалқон айлаб ҳимоя қиларди. У кишининг шундай одатлари бўларди. Ғазалларнинг байтига, шеърларнинг қофиясига, радифига у қадар эътибор бермасдилар. Ғояси, мазмунини биринчи ўринга қўярдилар. Бир куни латифанамо воқеа бўлди. Таниқли шоирлардан бирининг сонетлари саҳифага қўйилди. Холбек ота навбатчи муҳаррир эканлар. Ота аччиққина кўк чойни дамлатиб, саҳифа ўқишга киришибдилар. Сонетлардаги айрим сатрлар дидига ўтиришмабди, кайфлари бузилиб, ўша сатрларни шартта қисқартириб ташлабди. Эртаси куни саҳифада чиққан «сонет»ларни кўриб хижолатда қолдим. Отанинг ҳузурига кирдим. Қисқартириш сабабини шундай изоҳладилар.

— Бундоғ қарасам, шеърда шунақанги тасвир бор экан. Бир томонда дарё, бир томонда ўрмон.. гўзал манзараларга қараб турсам, бирдан немис чиқиб қолди, шундай чиройли жойларда немис нима қилади, дедиму олиб ташладим.

Соддадил муҳаррир билан бирга роса кулишгандик ўшанда. Лекин муаллифдан кечирим сўрашга тўғри келганди.

Холбек ота журналистика, газетчилик тарихида ўзига хос янги кўрик очдилар. Шу соҳанинг фидойи кишилари, рўзномачилик тарихи, унинг илк бешигини тебратган мўътабар кишилар ҳаёти ҳақида китоблар яратдилар.

Ёдимда, устознинг бу меҳнатлари муносиб тақдирланиш арафасида эди. Давлат мукофотига номзоди кўрсатилганди. Шунча меҳнатларни қилиб, шунча заҳматларни чекиб, шунча шогирдларни оёққа қўйиб ҳам-ки, «қандай бўларкин», дея ҳаяжон ичра сўзлаганларини эслайман. Насиб этармикин? Ана шу саволлар, ана шу ҳаяжонлар, туғёнлар унинг юрагида кетди.

Хаёллар дафтарини, ширин ёдномаларни варақлайман. Бизга одобу фасоҳат дарсини ўқиган муаллимнинг жонкуяр, фидойи сиймосига термуламан. Қани ул чинорлар? Қани ул бу дунёйи зорнинг дуру жавоҳирлариданда қимматлироқ, эъзозлироқ ўгитлар?

«Маҳорат мактаби» деб аталувчи машғулотни бошқариш менга топширилганди. Холбек отанинг суҳбатини тинглашга баҳона керак бўлиб қолганида машғулотимиз иштирокчилари номидан илтимос қилардим. «Ишим кўп» деган эмаслар. Бажонидил суҳбатга келардилар. У киши соатлаб сўз айтар, биз жон қулоғимиз билан тинглардик. Суҳбатларнинг бирида дедилар:

— Одобсизликнинг энг ёмони — кераксиз кулгудир. Каклик қаҳқаҳа солиб кулгани учун бошига бало келади. Ғунчани ҳам кулгани учун шамол учириб кетади.

Ёдимда, «литучка»ларнинг бирида сарлавҳа қўйиш санъати ҳақида куйиниб гапирдилар. Сийқаси чиқиб кетган сарлавҳаларни ҳадеб такрорлайверган ялқов ходимларни аямай саваладилар. Мақолага, лавҳага, ҳатто кичик ахборотга ҳам энг аввало сарлавҳа қўйиш устида ўйлаш кераклигини уқтирдилар. «Журналистни гонорар қаритади» дердилар. Гонорарга ружу қўйманг. Оз ёзинг, лекин соз ёзинг, дердилар яна. Ота ўшандан сўнг сарлавҳа қўйиш қандай бўлиши кераклигини ўзлари кўрсатиб бердилар. Газета саҳифаларида оҳори тўкилмаган, ажойиб сарлавҳалар пайдо бўлди. Холбек отанинг сарлавҳа қўйиш санъати, салоҳиятига тақлид қилувчилар кўпайди.

Ҳар гал қўлимга қалам олганимда, ёзган шеърим, мақоламга муносиб сарлавҳа излаганимда, одамлар орасида бўлганимда, изҳори дил тинглаганимда... отани эслайман. Холбек ота тушларимга киради. Ё тавба-ей, тушларимда ҳам мадад ҳақида сўзлайдилар. Йиқилган дўстни суяш, йўқликка кетган дўстни бир умр ёд айлаш, ночор кимсанинг дардига малҳам излаш, ногиронлар учун асо бўлиш савобини сўзлайдилар.

Холбек отанинг катта бир оламга тенг, ҳамиша гавжум, ҳамиша файзли хонасига энди биз «мумкинми?» деб кирамиз. Отанинг ҳузурига биз болалардай қувнаб, беижозат, бетакаллуф кириб борардик.

Устоз чинорлар энди йўқ. Улар бирин-кетин мангулик масканига, осудалик уфқига бош қўйганлар. Улардан ширин ёдномалар қолган, холос.

Мангулик, улуғворлик салтанатига йўл оламан. Тиз чўкаман. Тавоф айлайман. Кўз ёшларимни ютолмай энтикаман.

Чироқ ёнган хонадонимизда Сиз борсиз, устоз. Гулга, меҳрга зор дилларимизда меҳрингиз яшайди. Сиз ўзингиз севган эл каби мумтоз ва мукаррамдирсиз.

Ошёнингиз нурга, мунавварликларга тўлсин, азиз отажон!

**Эътибор ОХУНОВА.**

## АРПАГА ЎРОҚ ТУШДИ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» давлат хўжалиги деҳқонлари бу йил 300 гектар ерга буғдой, 260 гектар майдонга арпа экишган эди. Ҳозирда арпа шиғил пишиб етилди ва ўрим қизғин бошлаб юборилди. Айни кунларда бешта ўрим комбайини бир қатор дон ва сомон ташийдиган техникалар ишламоқда. Дастлабки кўрсаткич ёмон эмас. Гектардан 30-35 центнердан арпа дони йиғиштириб олиняпти.

— Донни 20 кунда йиғиштириб олиб, ўрнига силос учун маккажўхори экиш ниятимиз бор, — дейди хўжалик сардори Муродилла Саидов.





Суратларда: 1. Жейнов хўжалиги ғаллазорларида. 2. Хўжаликнинг ғаллачилик бўлими бошлиғи З. Холов янги ҳосилдан мамнун.

**Ш. ШАРОПОВ, (ЎзА) олган суратлар.**

# КИМГА ҚЎҒИРЧОҚ БЎЛЯПСИЗ?

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

«...Ўзбек раҳбарининг яқинда ГФРга қилган сафари аслида унинг жаҳон ҳамжамияти саҳнасига дастлабки жиддий чиқиши бўлди.»

Гўё И. Каримов ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми истиқомат қилувчи Хитойга бормаган, салкам бир миллиард фуқароси бўлган Ҳиндистон сафарини ихтиёр этмаган, Финляндия, Австрия, Туркия, Эрон каби мамлакатларда давлат раҳбарлари билан музокаралар ўтказмаган. Саудия Арабистони, Индонезия, Малайзия, Жанубий Корея заминига қадам ранжида қилмаган!.. Ахир Ўзбекистон Президенти Германия сари отлангунича, жаҳоннинг ўн бешдан зиёд мамлакатига борганини, у ерда ўнлаб ҳужжатларга имзо чекилганини дунё билади-ку!

Куракда турмайдиган бундай ёлғонга дуч келганида ҳар бир ўзбек айтади: ўғри бўл, ғар бўл, лекин инсоф билан бўл-да!

### «ХАЙР-САДАҚА СЎРАМАГАНМИЗ ВА СЎРАМАЙМИЗ ҲАМ!

Л. Усмонов ўз мақоласида далолат қилишича, гўё И. Каримов «Германияга иқтисодий ёрдам илинжида борган», негаки, Ўзбекистонда «ҳалигача бозор иқтисодиёти сари бирор жиддий қадам қўйилмаган».

Бу «маълумотлар»ни рус газетасининг Тошкентдаги «мухбири» қаердан олгани номаълум. Балки ўзидек бирор аламзада хориждан туриб йўл-йўриқ кўрсатгандир. Нима бўлганда ҳам, бир ҳол аниқ — Ўзбекистон Президенти МДҲдаги баъзи мамлакатларнинг раҳбарлари каби бировнинг уйига қўл чўзиб боргани йўқ. Номи зикр этилган немис газетасининг мухбири бундан ҳайратга тушиб, «Наҳотки, сизларга ҳеч нарса керак бўлмаса? — деб сўраганида, шундай жавоб олди: «Бизга кўп нарса керак, — деди И. Каримов, — аммо биз бировлардан хайр-садақа сўрамаганмиз ва сўрамаймиз ҳам».

Шундан сўнг «Франкфуртер альгемайне» мухбири ҳаяжонини яшира олмай ёзди: «Президентнинг ана шу сўзлари туфайли энди бутун Германияда унинг мамлакатини жуда яхши билиб олишди».

### СЎРАГИНГ КЕЛАДИ

Юртимизда, қийинчилик билан бўлса-да, юз бераётган ўзгаришлардан, юртбошимизнинг тадбиркорлигидан олис мағрибда яшовчи немис ҳам, уммон ортидан келиб кетаётган америкалик ҳам, ҳатто айрим россиялик журналистлар ҳам ҳайратга тушади, қувонади. Қувониш не, Ўзбекистон Президентига халқаро Нобель мукофотини берса арзийди, деб ёзади. Лекин бу ўзгаришу тадбиркорликлардан мамлакатимиз фуқароси сифатида бевосита баҳраманд бўлаётган Л. Усмонов негадир асабийлашади, уларни кўриб кўрмасликка олади. Ўзбекистонда ҳалигача бозор иқтисодиёти сари бирор жиддий қадам қўйилмади, деб фиғони ошади.

Сўрагинг келадики, бозор иқтисодиёти деганда сиз нимани тушунасиз? Чол-кампирларнинг Новосибирскдаги каби ахлат қутиларидан егулик ахтариб юришиними? Ёки ўзининг севимли «ЛГ»си ачиниб ёзганидек, Москва вокзалларини доимий турар-жой қилиб олган ўн минглаб дайди-гадонинг ҳолига тушишними?

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида яшовчи Чори Каримовнинг уйида бўлдим. Чори — бахтсиз ҳодиса туфайли саломатлигини йўқотган, иккинчи гуруҳ ногирони. Ўзи сувчилик қиларди. Ҳозир олти жондан иборат оиласида ишлайдиган кишиси йўқ. Болалари ёш.

— Тунов куни мундай санаб кўрсам, — дейди у,— оиламиз йигирмадан зиёд имтиёздан фойдаланар экан.

Очиғи, унинг гапига ишонгим келмади.

Маълум бўлдики, Чори ногирон сифатида нафақа билан бирга, имтиёзли нархда, баъзан эса бутунлай бепул дори-дармон олади. Солиқларнинг барча тури, транспорт, электр энергияси, газ ҳақининг ярмини тўлайди. Ўтган март ойида Тошкентдаги Чинобод санаторийсида бир ой даволаниб кетган. Унга бепул берилган йўлланмани пулга чақилса, ўттиз икки минг сўмдан ошади. Президент Фармонига кўра фарзандлари эл қатори мактабда бепул овқат билан таъминланган. Аёли, болалари ҳам кўпчилик тенги нафақа олади. Бунинг устига, оила магазиндан имтиёзли нархда озиқ-овқат, болалари учун кийим-кечак, ҳатто китоб-дафтар харид қилади...

— Шу абгор ҳолим билан Россияда ёки одамлари бир-бирининг этини еб ётган Грузияда яшаганимда, нима қилардим? — дейди Чори Каримов.

Жавоби маълум.

Ана шундан кейин у кенжасининг исмини Ислом қўйган бўлса, ажабланишга ўрин қолармикин?

Қолаверса, Ўзбекистонда бозор муносабатлари сари дадил қадамлар қўйилмаётган, иқтисодиётда хусусий мулкнинг ривожи учун янгидан-янги имкониятлар очилмаётган бўлса, немис тужжорлари, хусусан, жаҳонга машҳур «Дойчебанк» раҳбарлари И. Каримовнинг изидан Тошкентга етиб келмаган, республикамизда ўз банкининг бўлимини очишга дарҳол киришмаган бўлар эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, аҳолини ижтимоий ҳимояга олиш деган ибораларнинг негизида миллионлаб тақдирлар турибдики, уларни «ваучер» деб ёзилган бир парча қоғоз билан алдаш жуда қийин.

### «СЕРЖАНЖАЛ» МАВЗУ

Гап демократия деб аталмиш «сержанжал» мавзуга бориб тақалаётганини сезгандирсиз. Л. Усмонов бу мавзуни бирор мақоласида четлаб ўтмайди. Негаки қолип тайёр: «жабрдийда «Бирлик», «бечора «Эрк» бор. Ўйланиб қоласан киши, наҳотки йигирма икки миллион аҳоли истиқомат қиладиган катта мамлакатда шу икки ночор ташкилотдан бошқа жойда кўнглида эркка мойиллиги бўлган инсон топилмаса. «ЛГ» «мухбири» демократия ҳамма жойда бир қолипда бўлиши керак, деб тушунади. И. Каримовнинг, бизнинг бу борада ҳам ўз йўлимиз бор, деган гапидан қувониб кетади, яъники, мана, жаноблар, кўрдингизми, Ўзбекистон раҳбарини диктатор демаганмидик?

Хўш, демократия нима ўзи? Гуржистон билан Абхазия ўртасида бўлаётган ниҳоясиз муҳорабаларми? Балки айрим республикаларда ҳукм сураётган ит эгасини, мушук хўжасини танимай қоладиган бошбошдоқликдир? Эҳтимол, Озарбайжонда рўй бераётган фожиаларга замин бўлган баҳсларни шундай аташ лозимдир? Эҳтимол, айрим «маърифий» шаҳарларда бўлгани мисол, ҳар қадамда пинҳон-нопинҳон фоҳишахоналар очиш маъқулдир... Л. Усмоновнинг кўнгли айнан мана шундай «демократия»ни тусаётган бўлмасин тағин!..

Демократия, аввало, қонун ҳукмронлиги, тартиб, масъулият, осойишталик, тинчлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат. Ўзбекистон аҳли амал қилаётган бу тамойиллар Л. Усмонов ва унинг «устозлари» «қолипига» тўғри келмаса, биз айбдор эмасмиз.

### БУЮРТМА

Л. Усмоновнинг «ЛГ»да чоп этилган деярли барча мақоласи, жумладан газетанинг 23-сонида эълон қилинган «Восточные единоборства» мақоласи ҳам, совуқ бир ваҳима . билан тугайди: эрта-индин Ўрта Осиёда жанжал чиқиши мумкин. Ва у гоҳ Ўш, гоҳ Фарғона, гоҳ Душанбе фожиаларини бот-бот эслайди. Эслар экан, уларни қўмсаётгани сезилиб туради. Назарида, бу минтақанинг боши жанжалдан чиқмаслиги керак. У ҳатто Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентларининг куни кеча Чимкент вилоятида бўлиб ўтган учрашувини ҳам Марказий Осиё давлатларининг бирлашуви эмас, ажралишувининг бошланишига йўяди. Чамаси, Л. Усмоновга «устозлари» бераётган буюртманинг асл моҳияти ҳам шундай — минтақада қандай бўлмасин, катта жанжал чиқариш ва уни бостириш баҳонасида энди мустақилликка эришган миллатларни яна империя исканжасига тиқиш...

Барибир Л. Усмоновга кишининг раҳми келади. Аламзада биродаримиз кимларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб қолаётганини англамаяпти. Қўғирчоқнинг тақдири эса маълум — ўйин тугагач, бир четга улоқтириб юборилади.

**Қ. БЕРДИЕВ. (ЎзА).**

# ЭНГ ХАВФЛИ ИЛЛАТ

**Дарҳақиқат, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, транспорт воситасини бошқариш энг ёмон ва ҳавфли иллатлардан бири ҳисобланади. Бу иллатни жиноят билан тенглаштирилиши ҳам шундан. Чунки маст ҳайдовчиларнинг айби билан қанчадан-қанча инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмиб, қанчалари бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолишяпти. Бунинг оқибатида қалбларга етказилаётган маънавий зарарнинг эса чеки ҳам, чегараси ҳам йўқ...**

Халқимизда «Ароқнинг ўзи оқ, лекин қилмиши қора» деган нақл бор. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп. Ҳар бир инсон бунга ўзи гувоҳ бўлган. Лекин ачинарлиси шундаки, кўпчилик бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмайди. Ҳатто жарималар миқдорининг ортиши ҳам ичувчиларни тартибга чақирмаяпти. Тўғри, жарима миқдори ортгач ичиб машина ҳайдаганлар сони бир оз бўлсада камайди. Лекин ҳали ҳам бор. Мана мисоллар. Шу йилнинг 21 апрель куни республика ДАН ходимлари «ВАЗ-2121» русумли давлат рақами к 50-86 ТШ автомашинасини тўхтатдилар. Ҳайдовчи 1966 йилда туғилган, Яккасарой район, А. Қаҳҳор кўча, 1-уй, 3-хонадонда истиқомат қилувчи Ҳайдарали Муҳаммадалиевнинг оғзидан спиртли ичимлик ҳиди анқиб турарди. ДАН ходимлари уни тиббий кўрикдан ўтказиш учун олиб бордилар. Текшириш ўтказган шифокорлар уни ҳақиқатан ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини тасдиқладилар. Унинг ўзи ҳам, «ҳа. пиво ичган эдим», деб айбини тан олди. Бектемир район ҳокимиятининг савдо бўлими бошлиғи лавозимида ишловчи Х. Маҳаммадалиев энди қонун олдида жавоб беради. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, раҳбар лавозимида ишлаб туриб, кўпчиликка ўрнак бўлиш ўрнига бундай номаъқул иш билан шуғулланган шахсга нисбатан Бектемир район ҳокимияти раҳбарлари нима дейишар экан?

Худди ўша куни, 21 апрелда яна бир раҳбар ходим маст холда машина бошқариб кетаётганида ушланди. 1958 йилда туғилган Шуҳрат Йўлдошев Тошкент районидаги Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалигида раис ўринбосари лавозимида ишлайди. У ҳам «ИЖ-2115» русумли, давлат рақам белгиси э 32-97 ТН автомашинасини маст холда бошқариб кетаётганида республика ДАН ходимлари томонидан тўхтатилди. Ш. Йўлдошев ҳам тиббий кўрикдан ўтказилганда ҳақиқаттан ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги аниқланди. Бундан ташқари унинг ўзи ҳам пешинда пиво ичган эдим, деб тан олди. Номи бутун республикага, ҳатто ундан ташқариларга ҳам маълум бўлган машҳур «колхоз» раҳбарларидан бирининг қилиб юрган ишини қандай баҳолаш мумкин?

Раҳбар лавозимида ишлайдиганларки, шундай номаъқул ишларга қўл уришган экан, оддий ишларда ишлайдиганлардан хафа бўлмаса ҳам бўлади. Бир кўз олдингизга келтиринг. Биз юқорида номлари зикр этилган раҳбарлардан бирининг ходими ичиб қўлга тушиб қолди. Уни ўша жамоада муҳокама қилиш керак. Аммо энди бу бошлиқлар ўша қонунбузарларга қаттиқ танбеҳ бера оладиларми? Бизнингча йўқ. Чунки қаттиқроқ гапирса ҳалиги ходим «ҳа. энди хўжайин. ўзлари ҳам... а, лабай» деб маъноли қараш қилиб турса, раҳбарнинг раҳбарлиги, унинг обрўси қаерда қолади. Масалани мана шу томонини эсдан чиқармаслик керак.

Ичиб олиб машина ҳайдаётган фақат раҳбарлар эмас. Улар орасида оддий ишларда ишлайдиганлар ҳам бор. Жумладан, шу йилнинг 25 апрель куни Юнусобод район «Марказ-5» даҳаси, 65-уй, 201-хонадонда истиқомат қилувчи, сабзавот дўконида қоровул бўлиб ишловчи Анатолий Макарич «ГАЗ-52» русумли, давлат рақам белгиси ч 88-49 ТН бўлган автомашинани маст холда бошқариб кетаётганида ушланди. 26 апрель куни эса «Ўзбекбирлашув» ишчиси, Юнусобод район, Войтенцев кўча, 38-уйда яшовчи. Қаюм Холматов «ВАЗ-21061» русумли, давлат рақам белгиси ш 14-62 ТН автомашинасини маст ҳолда бошқараётгани аниқланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин ҳозир гап уларнинг рўйхатини санаб ўтишда эмас. Биз бу мақолани кишиларни тартибга чақириш, ичиб олиб машина ҳайдаш энг ҳавфли ва ёмон иллат эканлигини эслатиш учун ёзаяпмиз.

Ичкилик ҳар қандай шароитда, ҳар қандай тузумда ҳам кишиларга фақат кулфат, бахтсизлик. нотинчлик келтирган. Ичкилик тўла пиёлани лабига олиб борган ҳар бир инсон ва айниқса, ҳайдовчилар буни унутмасликлари керак.

**Мансур РИХСИЕВ.**

